

Рабиъул аввал,
1440, 27-сон

мина

Омина ижтимоий-маърифий журнал

- Табассум
- Салавот айтиш хосияти
- Оиша онамиздан 5 насиҳат
- Расулуллоҳнинг обидликлари
- Хўрандага овқат идиши мағфират сўрайдими?
- Болалар хонасини қандай безаймиз?
- Ҳурматга ким сазовор?



الْحَمْدُ لِلّٰهِ وَالسَّلَامُ عَلَيْكَ يَا سَيِّدِنَا يَارَسُولَ اللّٰهِ



Ж

Хайъат аъзолари:
Одинахон Муҳаммад Юсуф
Дилафруз Юсупова
Гўзал Дадамуҳамедова
Назокат Касимова
Муяссар Қаюмова
Гулшиода Аллақуловна
Азиза Жалолиддинова
Зарнигор Аҳмадалиева

Муҳаррир:
Зуҳрахон Ҳамдамова
Дизайнер:
Рӯҳсора Азизова

"Омна"

электрон журналиning
ушибу сони Мавлиди шариф
оигига багишланади.

Электрон манзил: muslimaat@islom.uz

ҲАР БИР ДУОНИНГ БОШИДА ВА ОХИРИДА САЛАВОТ АЙТИШНИНГ ХОСИЯТИ

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен намоз ўқиётганимда жаноб Набий соллаллоҳу алаиҳи васаллам шу ерда эдилар. Ҳазрати Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо ҳам у зот билан бирга эдилар. Ўтиргач, Аллоҳга сано (айтиш) ни бошладим. Кейин Набий соллаллоҳу алаиҳи васалламга салавот айтдим. Сўнг ўзим учун дуо қилдим. Шунда Набий соллаллоҳу алаиҳи васаллам: “Тилайвер, (тилаган нарсанг) сенга берилгайдир! Тилайвер, (тилаган нарсанг) сенга берилгайдир!» дедилар».

Ҳасан-саҳиҳ ҳадис. Аҳмад ибн Ҳанбал бу ҳадисни Яҳё ибн Аҳмаддан қисқа тарзда ривоят қилганлар.

Ҳазрати Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Дуо осмон билан ер орасида тўхтатиб турилгайдир. Токи Пайғамбаринг соллаллоҳу алаиҳи васалламга саловат айтмагунингча бу дуодан бирор сўз (осмонга) чиқмас».

*“Сунан Термизий”,
«Шамоили Муҳаммадийя» китобидан олинди.*



Ақиқанинг Исломдаги эътибори ва унинг шаръий далили

Ақиқанинг тарихи зикр қилинган бир қанча ҳадислар бор. Қуида келтириладиган қовлий ва феълий ҳадислардан ақиқа Исломда таъкидланмаган суннат ва мустахаб экани маълум бўлади.

سَلْمَانُ بْنُ عَامِرٍ الصَّبِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، يَقُولُ: «مَعَ الْغُلَامِ عَقِيقَةٌ، فَأَهْرِيقُوا عَنْهُ دَمًا، وَأَمْيِطُوا عَنْهُ الْأَذْى». .

“Салмон ибн Омир Зоббий розияллоҳу анҳу айтади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Ғулом ила ақиқа бордир. Унинг учун қон чиқаринг ва ундан нопокликни кетказинг”, деб айтаётгандарини эшитганман” (Имом Бухорий ривояти).

عنْ أَمْ كَرْزَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ عَنِ الْغُلَامِ شَاتَانٌ وَعَنِ الْجَارِيَةِ شَاةٌ لَا يَضْرُكُمْ ذَكْرَنَا كَنْ أَمْ إِنَاثًا

Умму Курз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Үғил бола номидан иккى қўй ва қиз бола номидан бир қўй (сўйинглар. Сўйила-диган қўйнинг) эркак ёки урғочилиги сизларга зарар қилмайди”, дедилар”.

(Насоий ривояти.)

عَنْ عَمْرِو بْنِ شَعِيبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ سَلْمَانُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الْعَقِيقَةِ فَقَالَ لَا يُحِبُّ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ الْعُشُوقَ وَكَانَتْ كَرْهَ الْإِسْمَ قَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّمَا شَكَلَنَا أَحَدُنَا يُولَدُ لَهُ قَالَ مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَتَسْكَنَ عَنْ وَلَدِهِ فَلْيَتَسْكُنْ عَنْهُ عَنِ الْغُلَامِ شَاتَانٌ مُكَافَأَتَانِ وَعَنِ الْجَارِيَةِ شَاةٌ

Амр ибн Шуъайб отасидан, у бобосидан ривоят қиласиди:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ақиқа тўғрисида сўралди. Шунда

У зот худди (ақиқа) исмини ёқтиргемагандек: “Аллоҳ таоло оқ бўлишни хуш кўрмайди”, дедилар. Улар: “Эй Аллоҳнинг Расули, биз сиздан биримизнинг фарзанд кўриши тўғрисида сўраяпмиз”, дейишди. У зот: “Сизлардан ким боласи учун жонлик сўйишни хоҳласа, ўғил болага иккита қўй, қиз болага битта қўй сўйисин”, дедилар”.

عَنْ سَمْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كُلُّ غُلَامٍ رَهِيَّةٌ بِعَقِيقَتِهِ، تُذْبَحُ عَنْهُ يَوْمُ السَّابِعِ، وَيُحَلَّقُ رَأْسُهُ، وَيُسْمَىٰ .

Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир ғулом ақиқаси эвазига гаровдадир. Унинг учун еттинчи куни сўйилади, сочи олинади ва исм қўйилади», дедилар”.

(Термизий ривояти.)

Ушбу ҳадислар Пайғамбаримиз алайхиссаломнинг қовлий, яъни сўzlари билан бўлган кўрсатмалардир. Қўйида эса у зотнинг феълий, яъни ўzlари қилиб кўрсатишлари билан собит бўлган кўрсатмалари зикр қилинади.

عَنْ أَبْنَى عَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: عَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الْحَسَنِ وَالْحُسَيْنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا بِكُبْشِينْ كَبْشِينْ .

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ўз набиралари) Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумоларга иккита-иккитадан қўчкор сўйиб ақиқа қилдилар” (Насойи ривояти).

عَنْ عَلَيْ بْنِ أَبِي طَالِبٍ قَالَ: عَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ الْحَسَنِ بْنِ شَاهَ وَقَالَ يَا فَاطِمَةَ أَحْلَقِي رَأْسَهُ وَتَصْدِيقِ بَزْنَةٍ شَعْرَهُ فَضْلَهُ قَالَ فَوْزَنَتْهُ فَكَانَ وزْنَهُ دَرْهَمٌ أَوْ بَعْضُ دَرْهَمٍ .

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (набиралари) Ҳасанга бир қўй сўйидилар ва: “Эй Фотима, унинг сочини олгин ва сочи оғирлигича кумуш садақа қилгин”, дедилар. Кейин мен уни ўлчовдим, бир ёки ярим дирҳам (оғирлигича) чиқди”

(Термизий ривояти).

Ақиқадан кўзланган мақсад:

1. Ақиқанинг болага таъсири.

“Мишкотул Масобех” китобининг ақиқа боғида унинг нима мақсадда қилиниши борасида бир ривоят келган.

عَنْ الْحَسَنِ عَنْ سَمْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْغَلامُ مَرْتَهِنٌ بِعَقِيقَتِهِ يُعَقَّ عَنْهُ يَوْمُ السَّابِعِ وَيُسْمَىٰ وَيُحَلَّقُ رَأْسُهُ .

Ҳасан Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилади.

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бола ўз ақиқасининг эвазига гаровдадир. Еттинчи куни унинг номидан (жонлик) сўйилади ва исм қўйилади ҳамда сочи олинади”, дедилар.

(Термизий ривояти.)

Янги туғилган бола ўз ақиқасининг гарови бўлиши борасида “Мишкот”нинг шарҳи “Мирқот” китобида қўйидагича ёзилган: бола ўз ақиқасининг гарови бўлишининг маъноси шуки, гўёки бола худди бирордан қарз олиб, эвазига бирор нарса гаровга қўйилгандек бўлади. Олинган қарз қайтариб берилмагунча гаровга қўйилган нарсадан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди. Фарзанд неъматига шукр қилиш Пайғамбаримиз алайхиссалом суннат қилганлариdek, ақиқа қилиш билан тамомига етади.

Бола ўз ақиқасининг гарови бўлишининг яна бир маъноси шуки, унинг Аллоҳ таолоға маҳбуб бўлиб, соғ-саломат униб-ўсиши ақиқасига боғлиқ бўлади.

Замирахон ТЎЙЧИЕВА



Табассум

Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм.

Бандаларининг карамли ахлоқини батамом қилиш учун Расулини юборган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Гўзал хулқлари ила умматларига ўrnak бўлган Ҳабибимизга салоту саломлар бўлсин!

Устозимиз марҳум Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг бир гўзал одатлари бор эди. У киши сафардан қайтгач, дарров ўз таассуротларини барча билан бўлишар эдилар.

Бир гал Америка сафаридан келдилар, мулоҳазалари орасида ушбуларни айтдилар: “Уларда бир одат бор экан. Кўча-кўйда, жамоат жойларида кўзи кўзга тушиб қолганлар бегона бўлса-да, дарров табассум ҳадя қилар эканлар. Агар ундей қилинмаса, одобсизлик, маданиятсизлик ҳисобланаркан. Менга шу одат жуда ёқди-да”.

Кейинчалик баъзи Оврупа давлатларига бориб келганларида ҳам шунга ўхшаш таассуротларни айтган эдилар.

Бу сўзларини ёдга олар эканман, ўзимга савол бера бошлайман. Табассум аслида суннат эмасми? Нега энди мусулмонлар қолиб, бу суннатга ғайридинлар қойилмақом қилиб амал қилмоқдалар?

Не ҳасратки, нафақат табассум масаласида, балки мусулмонлар динида бор бўлмиш кўпгина ҳайротлардан уларнинг ўзлари қолиб, бошқа диндагилар баҳраманд бўляпти! Мусулмонлар эса кўра-била ўзларини бундай имтиёздан, баҳту саодатдан маҳрум қилмоқдалар. Аксинча, улар биздан яхши амалларни олсалар, биз улардан бўлмағур одатларни олиб, ўзимизга касб этмоқдамиз.

Яна бир савол: айнан мана шу суннатга, яъни табассумга қай даражада амал қиласиз? Майли, бошқа юртдаги мусулмонларни эмас, ўз ватандошларимизни ҳисоб-китоб қилиб күрайлик.

Тасаввур қилинг, бир бегонага кўзингиз тушиб қолса-ю, унга табассум ҳадя қилсангиз, аввало у бир чўчиб тушади, ўзига бир марта қараб, ҳар ерини текшириб олади. Кейин сизга савол назари билан боқади: “Тинчлики?!?” Шунчаки эканини билса, жавобан “Ақлинг жойидами!?” деган қарашни оласиз. Асаби бузукроқ одам бўлса: “Ҳа тиржайяпсан..?” деган гапни ҳам кутаверинг.

Энди яқинларимизга нисбатан-чи?! Айниқса, эр-хотин бир-бирига нисбатан табассум қилишда ўта ҳушёр бўлишади. Гўё унга ҳақдор бўлиш бир марта-бунча жидду жаҳдсиз эришиш имкони йўқдек. Бехос инъом этилган табассум сабаби бесўров қолмайди. Наҳот жилмайиш аслида эвазсиз ҳадя қилинишини, уни ҳадя қилганга ажр-савоб борлигини билмасак?! Наҳот Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сертабассум зот бўлганларини унуглан бўлсак?!

Келинг, бу ҳақда билмаганимизни билиш, унуганимизни эслаш учун баъзи ҳадисларга назар солайлик.

«Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳуга:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мажлислида ўтирас эдингми?» дейилди.

«Ҳа. Кўпинча у зот бомдод намозини ўқиган жойларида қуёш чиққунча турмас эдилар. Қачон у чиқса, турар эдилар. Гаплашиб ўтиришар эди. Жоҳилият ишлари ҳақидаги гапдан олишарди. Кулар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса табассум қиласиз», деди».

(Муслим ривоят қилган.)

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки болдириларида озғинлик бор эди. Кулгилари фақат табассумдан иборат эди. Агар у зотга назар солсанг, «Кўзларига сурма суртилганми?» дер эдинг. Ҳолбуки, сурма бўлмасди».

Абдуллоҳ ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра кўпроқ табассум қиласиган бирор кишини кўрмадим».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида аҳли Мадинага қаҳатчилик

етди. У зот жума куни хутба қилиб турганларида бир киши ўрнидан туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Отлар ҳалок бўлди, қўйлар ҳалок бўлди. Аллоҳга дуо қилинг, бизларни сұғорсан!» деди. Шунда у зот икки қўлларини кўтариб, дуо қилдилар. Жобир айтади:

«Осмон ойнадек (мусаффо) эди. Бирдан шамол туриб, булат пайдо қилди. Сўнгра жам бўлди. Кейин осмон мешларининг оғзини очиб юборди. Чиқиб, сувларни кечиб, уйларимизга етиб келдик. Янаги жумагача ёмғирда қолдик. Бас, ҳалиги одам ёки ундан бошқа бирор туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, уйлар йиқилиб кетди. Аллоҳга дуо қилинг, уни тўхтатсан!» деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилдилар ва:

«Устимизга эмас, атрофимизга», дедилар. Булатларга назар солсан, ёрилиб, худди гулчамбарга ўхшаб, Мадина атрофига тарқалди».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Оиша онамиз айтадилар:

«У киши аёллари билан холи қолганларида энг мулойим, карамли, серкулги ва сертабассум киши бўлардилар».

Абу Заррдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Биродаринг юзига табассум қилмоғинг садақадир.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юзтадан кўп мажлисида ўтиридим. У зотнинг саҳобалари ўзаро шеър айтишар, жоҳилият ишларидан баъзиларини эслашар эди. У зот бўлсалар, сукут сақлар ва гоҳида уларга табассум қилиб қўяр эдилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Жарийрдан ривоят қилинади:

«Мен мусулмон бўлганимдан буён қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган бўлсанм, албатта, юзимга табассум билан қараганлар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳозир мана шу эшикдан яманликларнинг энг яхшиси кириб келади. Унинг юзида подшоҳлик сиймоси бор», дедилар. Шунда Жарийр кириб келди».

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Оишадан ривоят қилинади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кичик тиллари кўринадиган қилиб кулганларини кўрмаганман.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо табассум қилар этдилар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдинги беморликларида одамларга намоз ўқиб берар эди. Душанба куни келиб, улар намозда сафланиб турганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужранинг пардасини очдилар ва тик турган ҳолларида бизга назар сола бошладилар. Юзлари худди мусҳафнинг варағига ўхшаш эди. Сўнгра табассум ила кулимсирадилар. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, хурсанд бўлганимиздан фитнага тушай, дедик. Абу Бакр сафга етиб (қўшилиб) олиш учун орқасига тисарилди. У Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга чиқадилар, деб ўйлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қўллари билан «Намозингизни тугатаверинг», деб ишора қилдилар ва пардани туширилар. У зот ўша куни вафот этдилар».

Икки шайх ривоят қилганлар. Аллоҳ билувчиdir.

Қаранг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қанчалик сертабассум бўлганлар. Масжиддаги саҳар чоғларида жамоа ичидаги бўлишлари у зотни бу ишдан ман қилмаган. Дуо орасида ҳам табассум қилганлар. Аҳларига табассумларини аямаганлар. Пайғамбаримизга яқин бўлган кишилар у зотнинг сертабассум бўлганларини, доимо табассум қилганларини таъкидлайдилар. Ҳаттоқи ҳаётларининг охирги лаҳзаларида ҳам табассумни тарқ этмаганлар.

Оддий оми халқ қолиб, биз ҳаттоқи аҳли илмларимизнинг юзларида табассумни кўрмаймиз. Улар виқорни лозим тутиш керак, деганда табассумни тарқ этиб, қовоқ уйишни тушуниб олганлар. Жилмайиш виқорга зид эмас. Чунки виқорда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етадиган киши бўлмаган. Лекин виқор билан бирга сертабассум ҳам бўлганлар, демак, жилмайиш виқорни кетказмайди.

Яна бир мулоҳаза шуки, Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мадҳ ва наът айтuvчи нашидчиларимиз у зот ҳақларида кўйлаётгандарида табассум қилиш у ёқда турсин, юзларини ғам қамраб олади, гўёки марсия айтадигандек, майит билан видолашаётгандек. Наҳот юқоридаги ҳадисларни ўқиган киши жилмаймаса? Сарвари оламни тасаввур қилиб, муборак табассумлари таъсирида юзи қувончдан ёришмаса? У зотга муштоқликдан кўзлари



порламаса? Нашид айтадиган ҳолнинг бундан нима фарқи бор? Ваҳоланки, нашид айтиш жараёнида ҳисларимиз ҳам қўшиб зоҳир бўлади-ку!

Эй Мұҳаммад уммати! Аллоҳ таоло сизга берган неъмату имкониятларни бошқаларга бериб қўйманг! Ҳабибингизнинг сифатлари билан сифатланинг, у зот қилган амалларни бажариш кўпроқ сизнинг бурчингиз! Суннат амалнинг ҳар бирида хайр бордир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нафақат табассум қилиш билан кифояландилар, балки унга тарғиб ҳам этдилар. Зора, шу амал туфайли орамиздаги ғиллу ғашлар камайса! Шояд, қалбларимиз улфат бўлса!..

Аллоҳ таоло барчамизни Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўrnak олиб, хулқларимиз гўзал бўлишини насиб айласин! Омин!

Одинахон МУҲАММАД ЮСУФ

Жұвайрия бинту Ҳарис розияллоҳу анҳо

Ислами Барра бинту Ҳарис. Оталари яхудийларнинг Бани Мусталақ қабиласининг саиди бўлган. Жұвайрия розияллоҳу анҳо оталарининг уларида иззат-икромда вояга етдилар. Хозаа қабиласидан бўлган Мусаф (баъзи ривоятларда Мусафиъ) ибн Сафрон исмли йигитга турмушга чиқдилар. Қабилалари ва мусулмонлар ўртасида бўлган жангда эрлари ҳалок бўлиб, ўзлари кўпчилик аёллар қаторида асирга тушдилар. Собит ибн Қайс ибн Шаммас Анзорийнинг ҳиссаларига тўғри келдилар ва улар билан пул эвазига озод бўлишига келишдилар.

Оша онамиз Жұвайрия розияллоҳу анҳони тасвиrlаб: “У ёқимтой ва малоҳатли эди. Жұвайрияни ҳужрамнинг эшиги тагида кўрганимда уни ёмон кўрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам унда мен кўрган нарсани кўришларини билдим”, дейдилар.

Бу онамиз тўлов тўлаб, асирликдан озод бўлишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёрдам сўрадилар. Набий алайҳиссалом уларнинг ўринларига тўловни тўлаб, сўнгра ўзлари уйланиш ниятлари борлигини айтадилар. Жұвайрия онамиз рози бўладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам 400 дирҳам маҳр бердилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг Жұвайрия онамизга уйланганларини кўрган мусулмонлар “У зот куёв бўлган қавмни асирликда ушлаб турамизми?” деб барча бани мусталақлик асирларни озод қилдилар.

Мазкур воқеадан кейин Бани Мусталақ қабиласининг барчаси Исломга кирди. Бу ҳақда Оша розияллоҳу анҳо: “Уларнинг никоҳидан Бани Мусталақ аҳли байтидан юзтаси озод қилинди, ундан барокатли аёлни билмайман”, деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам исмларини Баррадан Жұвайрияга ўзгартирганлар.

Мўминларнинг онаси Жұвайрия розияллоҳу анҳо кўп намоз ўқиб, кўп тасбех айтадиган бўлганлар. Бу ҳақда Имом Муслим шундай ривоят қиласди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жұвайрияниң олдидан чиққанларида у ўз намозгоҳида эди. Қайтиб кирганларида ҳам у ўз намозгоҳида эди.

У зот:

«Ҳали ҳам шу намозгоҳингдамисан?» дедилар.

«Ҳа», деди.

У зот:

«Мен сендан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар сен айтган нарса билан тортилса, (у) ортиқ келур: «Субҳаналлоҳу ва биҳамдиҳу адада холқиҳу ва ризо нафсиҳу ва зината аршиҳу ва мидада калиматиҳу», дедилар».

Жұвайрия розияллоҳу анҳо Муовия ибн Абу Суфённинг халифалик даврларида, ҳижрий эллик олтинчи йилнинг Рабиъул аввал ойида вафот этдилар. Жанозаларини Марвон ибн Ҳакам ўқидилар. Бақиј қабристонига дафн қилинганлар.

Жұвайрия розияллоҳу анҳодан еттита ҳадис ривоят қилинган. Шулардан биттаси Имом Бухорийда, иккитаси Имом Муслимадир.

Қодирова Муслима





ХҮРАНДАЛАР УЧУН ОВҚАТ ИДИШИННИГ МАҒФИРАТ СҮРАШИ

عَنْ نُبِيَّشَةِ الْخَيْرِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « مَنْ أَكَلَ فِي قَصْنَعَةٍ ، ثُمَّ لَحِسَّهَا اسْتَغْفَرَتْ لَهُ الْقَصْنَعَةُ » . رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَةَ وَالثَّرْمِذِيُّ

Нубайшатул Хойр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Расулллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Кимки бирор идишдан таомланиб, сүнг уни ялаб тозалаб қўйса, идиш унинг ҳаққига мағфират сўрайди”, дедилар.”

(Термизий ривояти.)

Шарх: Идишнинг уни тозалаб қўйган инсон ҳаққига дуо қилиши ҳақиқий маънога ҳамл қилинадими ёки ундан мажозий маъно ирода қилинганми?

Тийбий раҳматуллоҳи алайҳ айтишлари-ча, идишнинг истиғфор айтишидан мурод – овқат егувчининг бу амали унинг тавозе-ли ва кибрдан холи эканига далолат қила-ди ҳамда бу мағфират қилинишига сабаб бўлади. Идиш у инсоннинг кечирилишига боис бўлгани учун мағфират нисбати буюн-га берилиб, товоқ унга истиғфор айтади, дейилмоқда.

Агар идишнинг истиғфор айтиши ҳақиқий маънога ҳамл қилинса ҳам, ҳақиқатдан узоқ бўлмайди. Чунки Қуръони Каримда шундай марҳамат қилинади:

**“Осмонлару ердаги барча нарсалар
Хожа, Бенуқсон, Азиз, Ҳаким Аллоҳга
тасбеҳ айтадир”** (Жума сураси, 1-оят).

Бошқа бир оята эса шундай дейилади:

**“Осмонлардаги нарсалар ва ердаги
нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтурлар. Мулк
Унга хосдир, мақтов ҳам Унга хосдир ва У
барча нарсага қодирдир”** (Тағобун сураси,
1-оят).

“Саҳиҳи Бухорий”да Абдуллоҳ ибн
Масъуд розияллоҳу анҳудан қўйидаги ҳа-
дис нақл қилинган:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ كُنَّا نَعْدُ الْأَيَاتِ بَرَكَةً وَأَنْتُمْ تَعْدُونَهَا تَخْوِيفًا كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَقَلَّ الْمَاءُ فَقَالَ اطْلُبُوا فَضْلَلَةً مِنْ مَاءٍ فَجَاءُوكُمْ بِإِنَاءٍ فِيهِ مَاءٌ فَلَيْلٌ فَادْخُلُوهُ فِي الْأَنَاءِ ثُمَّ قَالَ حَيَّ عَلَى الطَّهُورِ الْمُبَارَكِ وَالْبَرَكَةِ مِنْ اللَّهِ فَلَقَدْ رَأَيْتُ الْمَاءَ يَنْبَغِي مِنْ بَيْنِ أَصَابِعِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَقَدْ كُنَّا نَسْمَعُ تَسْبِيحَ الطَّعَامَ وَهُوَ يُؤْكَلُ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Биз мўъжизаларни барака деб билар эдик, сизлар эса уларни таҳдид деб ҳисоб-лайсизлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафардалигимизда сув озайди. Шунда у зот: “Сувдан ортиқчасини

талаб қилинглар”, дедилар. Шунда озгина суви бор идишни келтирдилар. У зот қўл-ларини идишга киргазиб, сўнг: “Муборак тоҳур (сув)га келинглар. Барака эса Аллоҳ таолодандир”, дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бар-моқлари орасидан сув оқиб тушаётганини кўрдим. Биз ейилаётган таомнинг тасбеҳ айтганини эшитар эдик” (Имом Бухорий ривояти).

Саҳоба розияллоҳу анҳумларнинг ўз қу-лоқлари билан овқат тасбеҳ айтаётганини эшитганларида бирор шубҳа бўлмагани-дек, овқат идишининг таомланувчи ҳаққига истиғфор айтишида ҳам гумон бўлиши мумкин эмас! Бу ҳақда Румий раҳматуллоҳи алайҳи шундай деганлар:

“Тупроқ, шамол, сув ва олов бандадир. Улар мен билан сенинг ҳаққингда мурда, Аллоҳ таоло ҳаққида эса тирикдир”.

Шу боис бу каби ҳадислардан ҳақиқий маъно тушунилади. Суютий раҳматуллоҳи алайҳи Ҳофиз Ироқий раҳматуллоҳи алайҳи дан қўйидагиларни нақл қилиб келтирганлар:

“Аллоҳ таоло овқат идишига алоҳида имтиёз ва нутқ пайдо қилган. Шу имтиёз или идиш мағфират сўраб дуо қиласи”.

Бошқа бир ривоятда овқат идиши томонидан қилинган қўйидаги дуо нақл қилинган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : « إِذَا لَعِقَ الرَّجُلُ الْقَصْعَةَ اسْتَغْفِرْتُ لَهُ الْقَصْعَةَ فَتَقُولُ : اللَّهُمَّ أَعْتَقْهُ مِنَ النَّارِ كَمَا أَعْتَقْنِي مِنْ يَدِ الشَّيْطَانِ . »

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ри-воят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Киши овқат идишини ялаб қўйса, идиш унга истиғфор айтиб: “Аллоҳим! Мени шай-тон қўлидан озод қилгани каби уни дўзах-дан озод қилгин”, дейди”, дедилар” (“Жо-меъ ул-аҳодис”).

Тошкент Ислом институти
“Тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси
Абдулатиф Аллоқулов



Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг обидликлари

Биз Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга умматликни даъво қиласаңыз-у, лекин амалларимиз у зотнинг амалларидан фарқлидир. Мана, масалан, биз ибодат қилмаслик учун сабаб топишга уринсак, у зот алайхиссалом ибодат қилиш учун сабаб топар әдилар. Келинг, баъзи ҳолатларни әслаб ўтамиш.

У ЗОТНИНГ НАМОЗЛАРИ

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қүёш ерни қизитиб, чошгоҳ вақти бўлганда зўҳо, яъни чошгоҳ намози ўқир әдилар. “Қўёш ерни қизитадиган бўлса, нима қилибди?” деб ўйлаймиз, лекин у зот алайхиссалом ҳар бир ҳолатдан Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун фойдаланаар әдилар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам витр намози ўқиши доимий одат қилдилар. Бунга ажид бир сабаб келтирдилар. “Аллоҳ тоқдир, тоқни яхши кўради. Мен кунимнинг сўнггидағи амални тоқ қилиб тутагиши истайман”, дедилар.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон сафардан қайтсалар, аввал масжидга кириб, икки ракъат намоз ўқирдилар.

У зот алайхиссалом тунлари намоз ўқиивериб, товонлари шишиб кетди. Шунда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз аввалги-ю охирги гуноҳлари кечирилган зот бўлсангиз. Бунча машаққат нечун?» дедилар. «Шукр қилувчи банда бўлмайми?!» дедилар у зот.

Оиша онамизнинг сўзларидан гуноҳкор

банда кўпроқ ибодат қилиб, гуноҳларининг ювилишига ҳаракат қилиши лозимлигини тушунамиз. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг эса фаразан гуноҳлари бўлса ҳам – у зот алайҳиссалом гуноҳ қилишдан сақланган маъсум зот эдилар – Аллоҳ ularнинг аввалги-ю охиргисини кечирган эди. Шунда ҳам Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўпроқ ибодат қилиш учун сабаб топдилар – шукр қилиш.

У зот алайҳиссалом қуёшу ой тутилса, намоз ўқир эдилар. Бу каби ҳолатлар анча камёб бўлиб, шунда ҳам бизга ўхшаб бир томоша қилай, демаганлар, намоз ўқиган эканлар. Обид банда шундай бўлади. Унинг учун қуёш чиқиши ҳам, ботиши ҳам, тутилиши ҳам ибодатга сабаб бўлаверади. Унинг мақсади – Аллоҳнинг розилигини топиш, Унинг Жамолига етиш. Қолаверса, у Аллоҳга роз айтиш – намоз ўқишни севади.

У ЗОТНИНГ РЎЗАЛАРИ

Пайғамбаримиз алайҳиссалом душанба куни рўза тутар эдилар. Бунинг сабаби сўралганда шу кунда туғилгандарини айтдилар. Бизда туғилган кун маъсиятларга сабаб бўлиб қолса, у зот алайҳиссалом ундан ибодатга сабаб топган эканлар.

Набий алайҳиссалом пайшанба куни рўза тутар эдилар. Бунинг сабаби сўралганда бу кунда амаллар кўтарилишини айтиб, амалларим кўтариладиган кунда рўзадор бўлишни истайман, дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаға ҳижрат қилганларида яхудийлар Ашуро кунининг рўзасини тутар эдилар. У зот улардан: «Бу қандай кун?» деб сўрадилар. Улар: «Бу кун Мусо Фиръавндан устун келган кун», дейишли. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга: «Сизлар улардан кўра Мусога ҳақлироқсизлар, ўша куннинг рўзасини тутинглар», дедилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ой-

дин кечаларда рўза тутар эдилар, яъни ой тўлин бўлган 13, 14, 15-кунларда. Обид банда шундай бўлади. Ой тўлса ҳам, ой тутилса ҳам, Аллоҳга яқин бўлишга интилаверади.

У ЗОТНИНГ ЗИКРЛАРИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зокирларнинг пешвоси эдилар. Ҳар бир ҳолатда Аллоҳни зикр қиласар эдилар. Ҳатто тепаликка чиқсалар, «Аллоҳу акбар!» деб чиқар, пастга тушсалар, «Субҳаннлаҳ!» деб тушар эдилар. Шу ҳолатларда ҳам Аллоҳни зикр қилишга ошиққанларидан бошқа ҳолатларни ўзингиз билиб ола-веринг.

У ЗОТНИНГ ДУОЛАРИ

Дуо банданинг Аллоҳга боғланган ҳолатидир. Унга ҳеч бир воситасиз, тўғридан-тўғри мурожаати, муножотидир. Унга бутун қалби, вужуди билан боғланган ҳолатидир. Банданинг Аллоҳга энг яқин онидир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аллоҳга ҳамиша шундай яқин зот эдилар. У зот алайҳиссалом уйқуга ётганда-ю уйғонганда, кийим кийганда-ю ечганда, уйдан чиққанда, масжидга борганда, масжидга кирганда-ю чиққанда, ёмғир ёғганда... ҳаттоки кечаси тўлғониб кетсалар ҳам, дуо қиласар эдилар.

Юқоридаги ҳолатлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаётларидан баъзи бир намуналар, холос. Бизнинг ҳолимиз эса ўзимизга аён. Хулоса шуки, ким ўз ҳолидан мамнун бўлган бўлса, шукр қилсин, йўқса, ўзимизни ислоҳ қилишга муҳтожмиз.

Аллоҳ таоло барчамизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муносиб уммат бўлишимизни насиб айласин! Дунёда у зотнинг ҳидоятларидан, охиратда шафоатларидан баҳраманд қилсин! Кавзи ҳавсарда у зотга йўлиққанда фаришталар: «Улар сиздан кейин ўзгариб кетди», деб зиддимизга гувоҳлик бермасин!

Ғиёсiddин ЮСУФ



Сайида Оишадан аёлларга беш насиҳат

Мўминларнинг онаси сайида Оиша онамиз розияллоҳу анҳо нубувват нурларидан баҳраманд бўлдилар. Ҳабибимиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қанотлари остида энг карамли хулқларни, гўзал турмушнинг тамойилларини ўзларига сингдирдилар. Шу тариқа онамизнинг сулуклари ва феъллари муслима рафиқа учун амалий татбиққа, ўрнакка айланди. Оиша онамиз энг афзал завжнинг энг афзал завжаси эдилар.

Оиша онамиздан намунали рафиқа бўлиш борасида бир қанча тавсиялар ривоят қилинган. Зотан, у зот хонимларга насиҳат қилишга, уларни оиласвий саодат, барқарор турмуш ва завжларининг гўзал риояси томон йўллашга ҳақли эдилар.

БЕЗАНИШ

Аёл киши табиатан безанишни яхши кўради. Сайида Оиша онамиз розияллоҳу анҳо аёлларга эрлари учун турли воситалар билан безанишни тавсия қилар эдилар.

Бакра бинти Утба дейди: «Оишанинг ҳу-

зурига кирдим. У муасфара (максар гулидан тайёрланган қизил бўёққа бўялган кийим)да ўтирган экан. Ундан хино ҳақида сўрадим. У: «Пок дарахт ва покиза сув», деб жавоб берди. Сўнгра ундан хифоф (юздаги ортиқча тукларни кетказиш) ҳақида сўрадим. У: «Агар эринг бор бўлса, кўзларинг атрофини тозалаб, аввалгидан яхшироқ қила олсанг, шундай қил», деб жавоб берди».

Бу, яъни энг гўзал тарзда безаниш, қўлларидан келганча ўзларини парвариш қилиш – барча аёлларга насиҳатdir.

ЗАВЖЛАРИ БОРАСИДА АЛЛОҲГА ТАҚВО ҚИЛИШ

Бир куни Оиша онамиз аёллар тўпланиб турган жойда шундай дедилар: «Эй аёллар жамоаси! Роббингиз Аллоҳга тақво қилинг. Эрларингизга итоат этинг. Таҳоратни яхшилаб қилинг. Намозларингизни адо этинг. Закотингизни бериб, нафсларингизни покланг. Эрларингизга ўзингиз ёқтирган ва ёқтиргмаган нарсада итоат қилинг».

Оиша онамиз аёлларни барча ишларида, албатта, Аллоҳга тақво қилишга йўлламоқдалар. Жумладан, шариатга хилоф бўлмаган мубоҳ ишларда, ҳатто ўзи бунга мойил бўлмаса ҳам, эрининг тавсиясига қулоқ тутишни насиҳат қиласмоқдалар. Зоро, бу оиласда муҳаббат ва ҳамжиҳатликка сабаб бўлади.

ИЖОДКОРЛИК

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари туфайли Оиша онамиз у зотга энг гўзал суратда кўринишни истар, зийнатланишни яхши кўрар эдилар. Бу борада қўл остиларидағи оддий нарсалардан ҳам ижодкорона фойдаланаардилар.

Оиша онамиз шундай дейдилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузуримга кириб, қўлларимда баргдан ясалган билагузукни кўрдилар. «Бу нима, эй Оиша?» дедилар. Мен: «Буларни сизга зийнатланиш учун ясадим, эй Аллоҳнинг Расули», деб жавоб бердим».

ЗАВЖИННИГ ЭҲТИЁЖЛАРИГА ҚИЗИҚИШ

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга таҳорат учун сув тайёрлаб берар, кийимлари ва мисвокларини ювар, ҳаттоки у зот масжидда эътикофда бўлганларида, ўzlари ҳоиза ҳолда бўлсалар ҳам, сочларини тараб қўяр эдилар. Умуман, кўпинча ўzlарини ўй хизматлари билан машғул қиласлар, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эҳтиёжларига эътибор билан қарар, ун янчар, таом тайёрлар, меҳмонларни сийлар, ёпинчиқ (дастурхон)ларни тозалар эдилар.

Оиша онамиз машғул бўладиган бу ишларнинг барчаси аёлларга эрларига ғамхўрлик қилишга, унинг эҳтиёжлари ҳақида қайғу-

ришга ишора ва насиҳатdir. Бу эр-хотин ўртасидаги муносабатларни яхшилайдиган, ўзаро муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайдиган воситалардан бири ҳисобланади.

Бироқ, бошқа тарафдан, эр ҳам ҳамиша аёллига ёрдам бериши, барча юкни унга юклаб қўймаслиги, уни эҳтиёт қилиши лозим. Бу борада Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўrnаклари барчага маълум ва машҳурдир.

ЎРИНЛИ РАШК

Рашк аёл кишининг табиатида бор нарса. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг маҳбуб аёллари бўлишларига қарамай, Оиша онамиз ҳам бу туйғудан бебаҳра эмасдилар, улар Расулуллоҳни бошқа аёлларидан рашк қиласлар эдилар. Бир куни Расулуллоҳ: «Рашк қилдингми?» деб сўраганларида Оиша онамиз: «Мендек киши сиздек зотни рашк қилмасинми?» деб жавоб берган эдилар. Шунинг учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизга бўлган муҳаббатларини изҳор қилиб турар, бошқалардан ҳам беркитмас эдилар. У зотдан: «Сизга одамлар ичида энг маҳбуби ким?» деб сўралганда «Оиша», деб жавоб берганлар.

Зикр қилганларимиз Оиша онамизнинг бизга ўргатиб кетган нарсаларидан кичик бир парча эди. Бу тавсиялар мусулмон оиласининг барқарор бўлишига, турмуш ўртоқлар ўртасида давомли ҳамжиҳатлик ҳукм суришига ва авлодлар меҳр-муҳаббатга тўла уйда катта бўлишига ёрдам беражак, иншааллоҳ.

Зарнигор АҲМАДАЛИЕВА



Ҳурмат-Эҳтиром соҳибаси ким?

Аёл киши бор уй нурли, ёруғ, шинам, саранжом-сариштали бўлади. Аёли йўқ уй эса совуқ, хира, бесаранжом кўринади.

Аёл – уйнинг бекаси. Аммо “бекаси” сўзи кенг маънога эга. Кимдир бу сўзни “хўжайин”, “малика” маъносида тушунса, бошқалар “хизматкор” деб тушунишади.

Нима учун баъзи аёлларни бир кўрганингда ҳурмат-эҳтиром қиласан, айримларидан эса юзингни ўгиргинг келади? Психология илмининг тушунтириши бўйича, буларнинг ҳаммаси аёл кишининг ўзини тутиши, ўзини ҳис этиши қай даражада ва қандай экани, атрофдагиларга тарататётган энергияси эса меҳр-муҳаббати ва холис хизматининг натижасиданми ёки ўзига бўлган эътиборнинг қониқтирилиши талабидан келиб чиққаниданми, ана шуларга боғлиқ экан.



Аслида “аёл” деган сўзни гапирганимизда кўз олдимизга узун сочли, нозик, эгнига товонигача бўлган кўйлак кийган, шамол эса этагини хилпиратиб, бу нозик жуссани гўё учирив кетадигандек бир тимсол келади. Ҳар қалай, санъаткор ва рассомлар, ҳайкалтарошлар ўз ижодларида шу сиймони на-моён этадилар. Бу тимсолга қарар экансан, ундаи гўзал ва нозик сиймода ҳалоллик, поклик, бокиралик аломатларини сезасан, уни қўриқлаб, авайлаб, бегона ҳамда ёвуз ни-гоҳлардан эҳтиёт қилгинг келади.

Психология илми ҳам хотин-қизларни шу сиймодаги аёл каби ўзини эҳтиёт қилишга, парваришлаб, ардоқлашга ундайди. Ҳамда аёлларнинг сочини кесмасликка, аксинча, ўстиришга чақиради. Чунки узун сочли аёлларнинг калта сочли аёлларга нисбатан аёллик куч-қуввати кўпроқ бўлиб, унинг гормон тизими соғлом бўлар экан.

Қадимдан Шарқий Туркистон аёллари соchlарини тоза ипак матога ишқалаб қуришишар, қуёш нуридан эҳтиёт қилар эканлар. Бу одат билан улар соchlарини соғломлаштириб, ялтираб турадиган, унинг кундан-кун бақувватлашиб, қалин бўлишига эришишар экан. Ҳозирда эса психолор олимлар бу одат юқоридаги натижалардан ташқари аёллик қувватини янада оширишини ва сочга эрта оқ тушишидан муҳофаза эканини исботла-моқдалар.

Шариатимиз аёл киши йийдан остона хатлар экан, кўчага чиқишига ўта мұхим сабаби бўлсагина, чиқиши кераклигини, йўқса, уйда ўтириши афзаллигини уқтиради. Албатта, бунинг боисини ўзини мусулмон деб билган, Қуръон ва ҳадисни ўқиб-ўрганган ҳар бир инсон яхши тушунади.

Психология илми ҳам диққатимизни шунга қаратадики, аёл киши кўчага чиқар экан, у атрофдаги инсонлар томонидан муқаддас ОНА сиймосини таратувчи ёки БОКИРА ҚИЗ тимсолини ифодаловчи, ҳурмат-эҳтиромга лойиқ инсон сифатида қабул қилиниши керак. Ана шунда ҳаёт тинч, осуда, хотиржам кечади.

Аммо баданининг очиқ қолган жойлари-

дан (яъни, унинг чуқур ўйилган кўйлак ёқаси, очиқ қолган қўлтиқ, елка ва қўли, оёғидан) Яратган инъом этган гўзаллик, соғлик, бокиралик куч-қуввати чиқиб кетиб, ўз энергиясини йўқотади. Ва шу туфайли бундай аёл атрофдагилар томонидан енгилтаклик соҳибаси, фақат беникоҳ “севигига” лойиқ инсон сифатида қабул қилинишига олиб келади. Бунинг оқибатида инсоният орасида “сиймолар тартибсизлиги”, ҳаётининг нотинчлиги, бузуқлик ва фосиқлик, ифлослик ва разиллик кўпаяди.

Аёлнинг илм даражасига келсак, бу ерда ҳам психология илми ўз нуқтаи-назарига эга. Яъни, пул топиш мақсадида илм ўқиган аёл ҳали олий ўқув юртини битирмай туриб, ўз умрини хазон қилибди. Демакки, аёл киши келажақда туғилажак болаларига чиройли тарбия бериш, уларни илмли, олим қилиш мақсадини кўзлаб илм ўрганишига ният қилиши керак экан. Чунки аёллик табиати шуни тақозо этади.

Бахти инсон бўлиш учун эса аёл аввал бахт тарқатувчи бўлиши, яъни бахтни бирордан талаб қилишдан олдин ўзини ўзи бахтли қилиши лозим. Бунинг негизида жуда катта маъно бор. Қандай қилиб инсон ўзини-ўзи бахтли қила олади? Бунга жавобан психология шундай дейди: қачонки аёл киши ўзини севса, қадрини билса, соғлигига эътибор қаратса, ҳар доим табассумини атрофдагиларга улаша олса, улардан рози бўлса, энг асосийси тақдиридан нолимаса ва Яратганинг бергандарига шукр эта олса...

Аслида юқорида айтилганларни улуғ машойихларимиз бундан неча йиллар аввал ўзларининг гўзал асарларида кенг ёритиб бергандар. Муқаддас Қуръони Карим ва ҳадиси шариф илми эса юқоридаги назарияларни ва ундан анча кўп илмни, яшаш-туришнинг ҳамма сир-синоатларини бундан бир минг тўрт юз йил аввал ўргатган.

Демак, психология фани Исломдан ва Шарқ тарбиясидан айро бўлолмайди, аксинча, улардаги ҳақиқатларни исботлашга хизмат қиласди, десак, хато бўлмайди.

Мадина Джураева

ХАЛИФАНИНГ ЎҒЛИ ВА ҲАММОЛ ҚИССАСИ

Халифанинг ўғли Ибн Маъмур Аббосий Бағдоддаги қасрида беҳисоб неъмат ва бойликларга кўмилиб ҳаёт кечирарди. У ҳар куни тонг оқаргандан то тун қорайгунча қаср деразасини очиб, Дажла дарёси бўйидаги бозорни кузатиб ўтиради. Қасрда яшаса ҳам, ҳаётидан зерикарди, табассум нима эканини унугланди.

Доим деразадан қараб ўтиракан, унинг ётиборини бир киши тортарди. Ўша киши ҳар куни бомдоддан сўнг бозорда ҳаммоллик қилишни бошларди. Барчага бир дирҳам эвазига жидду-жаҳд билан хизмат қиласарди. Чошгоҳ намозининг вақти кирса, Дажла дарёси бўйига бориб таҳорат олар, бир неча ракъат намоз ўқир эди. Сўнг яна ишини давом эттирас, пешин вақти кирса, яна ўша жойига келиб намоз ўқирди. Кейин чўнтағидан бир бўлак нонни олиб, дарёга ботириб ерди. Сўнг дараҳт соясида бироз ором оларди. Кейин яна то қуёш ботгунча ҳаммоллик қилишда давом этарди. Кеч кирганда эса одамлар билан уйга қайтар эди. Ҳар куни шу ҳолат такрорланарди.

Халифанинг ўғли бу фақир кишига бирор яхшилик қилишни кўнглига тугиб, хизматчиларига ўша ҳаммолни ҳузурига келтиришларини буюрди. У келганида:

– Ҳар куни мана шундай-шундай қилаёттанингни кўраман, нега ўзингни бўнча қийнайсан? – деди.

Ҳаммол:

– Мен кекса онам ва бетоб синглимга ғамхўрлик қиласман, улар ҳар куни рўза тутишади. Кун бўйи уларнинг ифторига таом сотиб олиш учун ишлайман, – деди.

Халифанинг ўғли:

– Ҳаммангизни қасрга олиб келсам, мен билан яшасанглар, сизларга нафақа ҳам қилиб берсам, нима дейсан? – деди.

Ҳаммол:

– Нима учун? – деди.

Халифанинг ўғли:

– Оғирингни енгил қилмоқчиман! – деди.

Ҳаммол:

– Мени қийналяпти, деб ким айтди?! – деди.

Халифанинг ўғли:

– Ҳолинг! – деди.

Ҳаммол:

– Йўқ! Аллоҳга қасамки, мен ўз ҳолимдан розиман, қилаётган ишимдан баҳтиёрман, мана шу ҳолатимга қаноат қиласман! – деди.

Халифанинг ўғли:

– Қасрда шоҳона ҳаёт кечириб, олтину кумушларга кўмилиб яшашни истамайсанми? – деди.

Ҳаммол:

– Эй амирул мўминуннинг ўғли, молингиз ўзингизга буюрсин! – деди.

У киши кетгач, халифанинг ўғли ўзининг ҳақиқий фақирлигига йиғлай бошлади. Хизматкорларига: “Менинг қасрдан кетаётганимни ҳеч кимга айтманг!” деб чиқиб кетиб, ўша бўйи қайтмади.

Ривоят қилинишича, у бир темирчининг олдига бориб, унга хизмат қила бошлабди. Кунлик меҳнати эвазига ризқи келиб турибди. Умрининг охиригача ибодатли, намозхон, солих бўлиб ўтибди. Отаси уни барча шаҳарлардан ахтариб топа олмабди. Йигитнинг ўлими яқинлашганида саййидига:

– Сизга бир илтимосим бор! Отамга ҳолатимни етказиб, ўлимим хабарини беринг! – дебди.

Саййиди:

– Отанг ким? – деб сўрабди.

Йигит:

– Ҳалифа! – деб жавоб қилди. – Отамга менинг баҳти инсон эканимни, ўзим топа олмаган роҳатли ҳаёт кечирганимни етказинг!

«Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қиласа, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва, албатта, уларни қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз» (Наҳл сураси, 97-оят).

Қодирова Муслима



Болалар хонасини тұғри ташкил қиласыз

Болалар хонасида бүш жойни тұғри ташкил қилиш тартибни сақлашга ёрдам беради, вақтни тежайди, боланинг мұстақиллигини үргатади ва ўйин фаолиятини фаоллаштиради.

Аввало, биз мусулмонлар болаларнинг диний таълимотларини үргатиш ҳақида ўйлашимиз керак. Уларнинг хонасидаги бүш бурчакда «шахсий» уй масжиди ташкил қилиш мүмкін. Буни катта картон қути, болалар чодири, вигвам (Шимолий Америка ҳиндуларининг яшайдыган ўтовсимон күлбаси), чайла ёки болалар үйчаларидан ясаб берса бўлади. Сиз тикиб берган ёки сотиб олинган ўзининг шахсий жойнамози бўлсин. Шунингдек, бурчакда китоблар учун жавон ҳам қилиб берсангиз, у ерда нуридийдангиз доимий ўқиб юрадиган Қуръон мұсҳафи, таҳорат олиш ҳамда намоз ўқиши тартиби ҳақидаги китобларини сақлайди. Ёстиқлар, кўрпача ва тўшак ёрдамида шинамгина мутолаа «маскани»ни яратса бўлади. Садақа, умра, ҳаж зиёратлари учун ғаладон ясаб ҳам беринг.





Болалар хонасини тұғри ташкил қилиш ҳақидағи барча мағлұмоттарни тартибга солған ҳолда құйидаги мұхим жиҳатларни ажратыш мүмкін:

1. Боланинг ўйинчоқлари, китoblari va ҳоказолар доимий күз ўнгіда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Иложи борича барча бўш жойлардан фойдаланиш керак: деворлар, эшиклар, жавон эшикларининг ташқи ва ички тарафлари. Бунда қўйидагилар ёрдам беради:
- ўйинчоқлар ҳамда китблар учун деворий токчалар;

- китблар, ўйинчоқлар, расмли ёки матнли карталар учун осма чўнтакчалар;
- ётоқ (каравот) тагига қути ёки саватчалар;
- бир неча қават токчали бурчак очиқ жавони;
- девор, эшик, жавонларнинг ички юзаларига илгаклар;
- кийим-кечак, китблар, ўйинчоқлар жойласа бўладиган, тепаси очиладиган пастак юмшоқ курси, сандиқчалар, тортмали жавон-ўриндиқ;
- майда, кичик ўйинчоқлар учун органайзер;
- дарс тайёрлаш, ижод учун керакли бўлган барча нарсаларни жойлайдиган тортмали иш столи.

2. Кийим-кечаклар ҳам жавон, тортмаларга жойланган бўлиши, улар, албатта, боланинг қўли етадиган баландликда бўлмоғи лозим.

3. Ортиқча барча нарсаларни олиб ташланг! Ҳеч нима болага халақит бермаслиги даркор. Кераксиз нарсаларни олиб қўйсангиз, уйда тартибсизлик ҳам бўлмайди, тозалаш ишлари ҳам кўп вақт олмайди, нафас олиш ҳам енгиллашади.

4. Ҳар бир нарсанинг ўз жойи бўлсин. Шунда фарзандингиз ёрдамингизсиз, ўзи мустақил хонасини йиға ола бошлайди.

5. Хонани ҳудудларга ажратинг: дарс тайёрлаш майдончаси, чизиш майдончаси, ижод майдончаси ва ҳоказо.

6. Хонада хавфсизлик, етарли ёруғлик, қулайлик бўлиши даркор.

7. Ўйинчоқлар, кўргазмали қуроллар, мебеллар жойланиши вақти-вақти билан ўзгариб туриши керак.

Хонани имконият даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларга ажратинг.

Математика ҳудуди

Мазкур майдончани турли хил бўлмачалар (пазл), мантиқий расмлар, пирамидалар, саралагичлар (сортер), матрёшкалар (бир-бири нинг ичига солинган қўғирчоқлар), жумбоқлар билан тўлдириш мумкин. Шунингдек, санаш таёқчалари, муайян мавзулар сони миқдорида доминолар, сонли плакатларни ҳам шу майдончага жойлаштиринг. Барча жиҳозлар боланинг қўли етар қилиб жойланиши мақсадга мувофиқ бўлади, токи керакли нарсадан фойдалангач, яна қайта жойига қўя олсин. Бу майдончадаги ўйинчоқлар эса болани ҳисоблашга; ўлчамларни, шаклларни, миқдорларни таққослашга ўрганишига ёрдам берадиган бўлиши лозим.

Тил ўрганиш ҳудуди

Бу майдончанинг ҳамма томонини ҳарфлар ёзилган кубиклар, китоблар, кўргазмали қуроллар билан тўлдирамиз. Картонга ёпиштирилган, ғадир-будур қоғоздан кесилган ҳарфларни ҳам тайёрлаб берсангиз яхши. Бола қўли билан уларнинг устидан юргизиб, шаклини эслаб қолади.

Сенсор ривожланиш ҳудуди

Мазкур майдончадаги ўйинчоқлар боланинг сезги аъзоларини ривожлантириши керак. Масалан, бу ерга турли нарсалар билан тўлдирилган қутичалар, ҳар хил сезгиларга мослаштирилган ўйинчоқлар (шақиллайдиган, шивиллайдиган, чийиллайдиган), ривожлантирувчи гиламчалар жойлаштирилади. Майдончада «Мато» деб номланувчи китоб-ўйинчоқнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир, чунки у боладаги сенсор

ҳисларни ривожлантиради. Шулар билан бир қаторда ҳид билиш қобилиятини ривожлантирувчи турли зираворлар солинган қутичаларни ҳам ясаб беринг.

Жисмоний ривожланиш ҳудуди

Бу майдончада коптоклар, кегли, роликлар, велосипед, швед девори, батутлар, обруч ва ҳоказоларнинг бўлиши тўғри келади.

Табиии илмларни ривожлантириш ҳудуди

Бу ерда бола парвариш қила оладиган нарсалар бўлиши лозим. Масалан, гуллар – суғориб тuriши учун, маълум бир уй ҳайвони – доимий овқатини бериб тuriши учун. Яна бу майдончага глобус, харита, ўсимлик, барглар, гуллар туширилган карталар, «Йил фасллари» календари, ҳайвонлар сиймосидаги ўйинчоқлар, астромия ҳақидаги китоблар ва ҳоказоларни жойлаштиринг.

Ижодиёт ҳудуди

Мазкур майдонча ижод қилиш учун керакли бўладиган жиҳозлар билан тўлдирилади: бўёқлар, рангли қаламлар, бўёқ чўткалари, альбом, пластилин, бўрлар, клей, қайчи, рангли қоғозлар.

Гўзал ДАДАМУҲАМЕДОВА





ШИКОЯТ ВА ХАФАГАРЧИЛИКДАН ВОЗ КЕЧИНГ

Бирор инсон тез хафа бўлишга мойил бўлса, у асли заифдир. Чунки ранжиш бу ҳолатни қабул қила олмаслик натижасида Яратувчига нисбатан ношукрликни келтириб чиқаради. Бу эса гуноҳ! Аёлнинг кучи – унинг тақвосида, исёнида эмас. Унутманг, барча нарсада яхшилик мавжуд. Аёлнинг баркамоллиги – бу қазои қадарга иймон келтириши ҳисобланади. Тақдирга тан бериш эса исталган вазиятни меҳр ила қабул қилишга ундейди. Аллоҳнинг иродасига ишониб, шошилмасдан, меҳр билан баҳтга интилиб яшаш ҳамда муҳаббат, очик чеҳралик билан оила, жамият, юрга үлкан ҳузур, роҳат бағишлаш нақадар ёқимли иш!!!

ТАҚДИРДАН НОРОЗИ БЎЛМАНГ

"Тақдир танланмайди, балки уни борлигича қабул қилиб, у учун миннатдорлик билдириш лозим. Тақдир бизнинг душманимиз эмас, балки иттифоқдошимиздир. Бизнинг вазифамиз тақдирни муҳокама қилиб, унинг устидан ҳукм чиқариш эмас, балки баҳтли ҳаёт кечиришимизда ёрдам берадиган илмни ўрганишдир..."

* * *

Аёл кишининг табиатига нисбатан пассивлик хосланган. У кутишни уddyдалаши керак. Лекин кутиш унга самарасиздек кўринади.

Аёл киши ҳар доим аввалдан ниманингdir чорасини кўришга, ниманингdir олдини олишга уринади, аммо мажхуллик ва ноаниқлик уни чўчитади. Лекин доимий бундай ҳаракатда яшаш аёлларга хос эмас. Аёл киши нимагадир эришиши учун кутишни ўрганиши лозим. Айнан кутиш жараёнида аёл кишида сусайиш кузатилади ва теранлашади.

Нима учун у кутишни билиши керак? Чунки ўзининг аёллик қисматини барбод қилмасдан, уни аъло кўринишда барпо этиши даркор. Аёл қачон сабрсизлик қилса, ҳамма ишни нотўғри бажаради. Эркакка ўз ишини ўзи қилишига қўйиб бермайди ҳамда вазиятни ўзи бошқарди, ҳамма хафагарчилик ва даъволар шундан кейин бошланади...

Итоат

Эрга итоат жуда мұхим. Аёл әрига ишонса ва унинг айтганини қылса, үзининг ҳам ҳаётини енгиллаштиради. Жиддий масалаларни үйлаш ва иккиланишлардан халос бўлади. Эри шундай дедими – демак, шундай!

Яқинда менга узоқ йиллардан бери әрига мана шундай итоат қиласиган бир аёл ҳақида айтиб беришди. Машина ўт олиб, илигунича меҳмонга борган жойларида кутиб ўтиришади. Вақти-вақти билан эр ойнадан қараб, машинанинг кетишга "тайёр" лигини текшириб туради.

– Бўлдими? – хотиржам сўрайди аёл.

– Ҳали эрта, – жавоб беради турмуш ўртоғи.

Аёл ҳеч нима бўлмагандай чойини ичишда давом этади.

Шу заҳоти эри яна деди:

– Тез тайёрлан, кетамиз!

Аёл тезда турди ва кийина бошлади. Ҳеч қандай жаҳлсиз ва хотиржам. Бу аёл асабийлашишга сарфланадиган қанча қувватини тежаб қолди!

Биз ҳам мана шундай итоатга одатлансан, ёмон бўлмасди. Ахир итоат эркак кишида бир қанча сифатлар вужудга келишига сабаб бўлади. У масъулият ҳис қиласди, чунки унга итоат қилингапти. Шу туфайли у ўйлаб иш қилишга мажбур бўлади. Шу билан бирга у аёлига саховатли ҳам бўлади. Чунки итоаткор аёл – бу қизалоқ ролидаги аёл. Айнан қизалоқларини эркаклар доимо қимматбаҳо ва кутилмаган совғалар билан эркалайдилар.

* * *

Энг яхши оилавий ошхонанинг сири – бу севги: айнан сиз таом тайёрлайдиган инсонга бўлган севги.

* * *

Аёлнинг юрагида әрига нисбатан ҳурмати бўлса, эри билан фахрланса, унга ишонса, қандай қадрли...

Бундай аёл доим эри ҳақида яхши гаплар айтади. У ҳамиша хурсанд ва миннатдор. Ахир у яхшиликни кўради ва қалбида фақат яхшиликни сақлади.

Унинг қарашлари нурга тўла, овози мулойим, таббасуми эса самимий, илик.

У фақат унинг учун зийнатланади ва кундан кунга муҳаббатини оширади.

Эр уни ардоқлайди ва унинг донолигига эътибор қиласди. Бундай оилада баҳтиёрлик ҳукм суради. Чунки у ЭР, у эса АЁЛ. Уларнинг ҳаётдаги вазифалари ҳар хил, аммо йўналишлари баҳтили никоҳ қуришдир.

Бундай аёл бебаҳо, у олмос каби нур сочади.

"forum.muslimaat.uz"





Саҳиҳ ҳадис борми?

– Ассалом алайкум! Аёл киши тўлғоқ маҳали қанча кўп қийналса, шунча кўп гуноҳлари тўкилади, туғруқдан кейин онадан туғилгандай бегуноҳ бўлади, деган гап ростми? Шу маънодаги саҳиҳ ҳадис борми? Бўлса, ким ривоят қилган? Бундай ҳадисни илгари ўқимаганим ва эшитмаганим учун бирорга айтишга иккиланяпман.

Одинахон Мұхаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом! Бундай саҳиҳ ҳадис йўқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқимаган намоз, қолдирган рўза ва ўзгалардан олган ҳақлари зиммасида туради. Валлоҳу аълам.

Салавот ҳақида

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳ умрингизни баракотли қилсин. Устозимиз Ҳазратнинг жаннатдаги мақомларини Аллоҳ юқори қилиб берсин. Савол: «Тола ал бадру аълайна» салавоти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида айтилганми? Бу салавот қаерда айтилган?

Одинахон Мұхаммад Юсуф:

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Байҳақий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилишича, ушбу нашидни ансорий аёллар ва уларнинг болалари айтишган. Бу нашид Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага муҳожир бўлиб киришлари, ансорлар ҳузурига келишлари ва уларнинг орасидан манзил тутиб яшашлари муносабати билан айтилган. Мана шу гап сийрат уламолари орасида ҳам машҳурдир. Валлоҳу аълам.

Сұннатми?

– Ассалому алайкум! Пайғамбари миз завжаларининг қилган амаллари биз аёллар учун сұннат бўладими?

Одинахон Мұхаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари билан қилинган бўлса, ҳа, сұннат бўлади. Валлоҳу аълам.



Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мерож кечаси Аллоҳни кўрганларми?

– Аҳмад Лутфий Қозончининг "Саодат асри қиссалари-2" асарида қўйидаги жумлага дуч келдим (иқтибос келтираман):

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша кеча Аллоҳ таолонинг жамолини тўйиб-тўйиб кўриб олганлари ҳам аниқ". Лекин бошқа китобда қўйидагича ўқидим (иқтибос келтираман): "Масруқ ривоят қилади: «Оишанинг ҳузурида суюниб ўтирган эдим. У менга (Оиша розияллоҳу анҳо – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суюкли аёли) айтдики: «Эй Оишининг отаси, ким уч нарсани даъво қилса, Аллоҳга катта бўхтон тўқибди». Мен: «Улар қайсилар?» дедим. У айтдики: «Ким Муҳаммад алайҳиссалом Роббисини кўрди, деб даъво қилса, Аллоҳга катта туҳмат қилган бўлади», деди. Мен суюниб турган жойимда ўтириб олиб дедим:

«Эй уммул мўминин, менга қаранг, мени шошилтирманг, Аллоҳ азза ва жалла бундай деб айтмаганми: «Дарвоқе, (Муҳаммад алайҳиссалом Жаброил фариштани ўзининг аслий суратида) иккинчи бор (жаннат) четидаги Нилуфар олдида кўрди»

(Ан-Нажм сураси, 13–14-оятлар).

Оиша розияллоҳу анҳо деди: «Мен бу ҳақда Расул алайҳиссаломдан энг биринчи сўраганман. У зот: «У Жаброилдир. Мен уни ҳақиқий қиёфасида фақат икки марта кўрганман. Бир сафар уфқда, ер ва осмон орасини эгаллаб турган ҳолда кўрдим», (дедилар). Аллоҳ таоло бундай деганини билмайсанми:

«Кўзлар унга ета олмас. У кўзларга етар! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) огоҳ Зотдир»

(Анъом сураси, 103-оят).

Қайси бирига ишонай? Ёки таржимада хато бор эканми?

Жавоб учун олдиндан раҳмат!



Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳууллоҳ:

– Бу масалада икки хил гап бор. Баъзилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолони меъроҷда пешонадаги кўзлари билан кўрганлар, дейдилар. Бошқалар, жумладан, Оиша онамиз розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолони меъроҷда қалб кўзлари билан кўрганлар, дейдилар.

«muslimaat.uz» доим фаолиятда!



Бисмиллахир роҳманир роҳийм!

Мұхтарама үқувчиларимиз! Сизларни «muslimaat.uz» сайти фаолияти билан таниширишда давом этамиз. Бу ўтган уч ой ҳам сайт раҳбари ҳамда ходималари учун жуда сермазмун кечди. Турли сафарлар ва тадбирларга бой бўлди.

2018 йилнинг 20 июль санасида Россия Федерациисида “Муслималарнинг жамиятдаги ижтимоий ўрни” мавзусида съезд бўлиб ўтди. Съездда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни каби масалалар таҳлил қилинди. Унга дунёнинг турли давлатларидан жамиятда фаол бўлган ҳар хил соҳа олималари таклиф этилган бўлиб, хусусан, Ўзбекистондан вакил ўлароқ «muslimaat.uz» сайти раҳбари Одинахон Мұхаммад Содик ҳам қатнашдилар. Съездда улар муслима аёлнинг ижтимоий фаоллигини сусайтиришга сабаб бўладиган омиллар ҳақида нутқ сўзладилар.

21 июль 2018 йил санасида эса Россия Федерациисида “Россия мигрантлари: ижтимоий ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти” номли аёллар кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда Россиянинг 34 та регионидан ҳамда қўшни мамлакатлардан (хусусан, Ўзбекистондан) муслима аёллар ташкилотларининг раҳбарлари ва вакиллари иштирок этдилар.

Кенгашнинг мақсади Россия жамиятининг мусулмон қатламида рўй бераётган мұхим масалаларни ҳал қилишда мусулмон аёллар ташкилотларини бирлаштириш, шу билан бир қаторда муслиманинг жамиятдаги ўрни ва давлат ишларида иштирокининг чегаралари тушунчаларига аниқлик киритиш бўлди.

22 июль 2018 йилда Москва шаҳрининг «Альфа» меҳмонхонасида «Муслиманинг жамиятдаги ижтимоий ўрни»



мавзусига бағишиланган мұслима аёллар ташкилоттарининг олтинчи умумроссия съезді доирасида «Блогерлик Россия Федерациясыдаги ижтимоий фойдалы ва ватанпарварлық руҳидаги ишларнинг бир йўналиши» мавзуси остида аёлларнинг амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференциядан сўнг «Муслиманинг жамиятдаги ижтимоий ўрни» мавзусига бағишиланган мұслима аёллар ташкилоттарининг олтинчи умумроссия съезді фаҳрий меҳмони сифатида таклиф қилинган ҳамда «Россия мигрантлари: ижтимоий ташкилотларнинг ўрни ва ҳамияти» номли аёллар кенгашида спикер бўлиб, «Муслима аёлнинг ижтимоий фаоллигини сусайтиришга сабаб бўладиган омиллар» мавзусини атрофлича ёритиб берган Одинахон Мұҳаммад Содиқ қизлари билан аёллар масалаларига бағишиланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унга олтинчи умумроссия съездининг иштирокчи ва меҳмонлари ҳамда Москва шахрида яшовчи ўзбек диаспораси вакиллари ташриф буюришди. Суҳбат давомида устоза Одинахон Мұҳаммад Содиқнинг бўгунги кун аёлларига тегишли долзарб муаммолар ва уларнинг ечимларига боғлиқ нутқларидан баҳраманд бўлишди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олдилар.

Давра якунида Одинахон Мұҳаммад Содиқ «Муслиманинг жамиятдаги ижтимоий ўрни» мавзусига бағишиланган мұслима аёллар ташкилоттарининг олтинчи умумроссия съезді ташкилотчилари бўлмиш “Аиша” халқаро аёллар клуби томонидан “2018 йилда халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда, шунингдек, ёшларнинг руҳий-ахлоқий тарбияларини яхшилашда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширганингиз учун чуқур миннатдорчлик билдирамиз. Муслима аёллар ташкилоттарининг олтинчи умумроссия съезді ташкилий қўймитаси Сизга ижтимоий фаолиятингизда ҳамда инсон манбаатлари, жамият ва давлат равнақи йўлида олиб бораётган самарали ишларингизга омадлар тиласб қолади.

Муслима аёллар ташкилоттарининг олтинчи умумроссия съезди.

ТАШАҚКУРНОМА

Хурматли Одинахон Мұҳаммад Юсуф!


Сизга 2018 йилда халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда, шунингдек, ёшларнинг руҳий-ахлоқий тарбияларини яхшилашда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширганингиз учун чуқур миннатдорчлик билдирамиз. Муслима аёллар ташкилоттарининг олтинчи умумроссия съезді ташкилий қўймитаси Сизга ижтимоий фаолиятингизда ҳамда инсон манбаатлари, жамият ва давлат равнақи йўлида олиб бораётган самарали ишларингизга омадлар тиласб қолади.

Муслимова К.И.

*Лойиҳалар координатори “Аиша” халқаро аёллар клуби
Москва шахри, 22 июль 2018 йил*

Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб сайтимизда янги «Адвокат маслаҳати» саҳифаси иш юрита бошлади. Унда сиз азиз опа-сингилларимизни қизиқтирган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига оид ҳар қандай саволларингизга Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги лицензиясига эга бўлган адвокат-мутахассис КАСИМОВА МОХИРА САБИРОВНА жавоб бериб боряпти.

Доктор Яҳё Ғавсоний



2018-йил июль ойида ватанимизга “Тафсир ва Қуръон илмлари” факультети доктори, ўн мутавотир қироатдан ижоза соҳиби, “Саҳиҳи Бухорий” ва “Құтубус-ситта” (Олти саҳиҳ түплам) бўйича муаллифларга муттасил бўлган ижозалар соҳиби, халқаро нейролингвистик дастурлаш тренерлари уюшмасининг катта мураббийи ва маслаҳатчиси, бутун жаҳон исломий адабиётлар робитасининг аъзоси Доктор Яҳё Ғавсоний ташриф буюрдилар. У киши бутун дунё бўйлаб кўплаб тренинг-машғулотлар ташкил қилган бўлиб, “Оила баҳти”, “Бола тарбияси”, “Ақлнинг қудратини кашф қил ва миянгни таниб ол”, “Қандай қилиб ижодкор муаллим бўлиш мумкин?” каби мавзулар шулар жумла-сидандир.

Уч кун давомида ўтказилган “Бош миянинг хусусиятларини ва илғор усусларини ишга соилиш орқали Аллоҳнинг каломини ёд олишга янгича ёндашув” номли тренинг-машғулотларда «muslimaat.uz» сайти ходималари ҳам қатнашдилар. Ушбу тренинг орқали:

- кашф қилиш;
- хотирани камидагача уч бараварга ошириш;
- зеҳнни кучайтириш;
- диққатни жамлаш маҳоратини ўрганиб, Аллоҳ каломини ёдлашда янгича услублар билан танишдилар.

Шайх Муҳаммад Аввома

Жорий йилнинг сентябрь ойида “Ҳилол-нашр” нашириётининг анжуманлар залида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси билан Шайх Муҳаммад Аввоманинг “Фақиҳ имомлар ихтилофидаги ҳадиси шарифнинг ўрни” ва Исломил Муҳаммад Юсуф таржимаси остида доктор Муҳиддин Муҳаммад Аввоманинг “Жавомеъул Калим” китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда республикамизнинг таниқли уламолари, Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси вакиллари, китобсевар ўқувчилар, толиби илмлар баробарида «muslimaat.uz» сайти ходималари ҳам қатнашишди. Энг асосийси тадбирда шу кунларда юртимиизда меҳмон бўлиб турган “Фақиҳ имомлар ихтилофидаги ҳадиси шарифнинг ўрни”, “Жавомеъул Калим” асарлар муаллифлари ўз аҳли оиласлари билан азиз меҳмонлар сифатида иштирок этишди. Буюк олим ўз китобининг ёзилиш тарихи билан ўртоқлашар экан, уни узоқ йиллар давомида ёзганини билдируди.

Меҳмонлар тақдимотдан сўнг “Ҳилол-нашр” нашириёти, босмахонаси ва бош китоб дўкони фаолияти билан танишдилар.

Гўзал ДАДАМУҲАМЕДОВА
тайёрлади.

Қовокли маффинлар

Керакли маҳсулотлар:

- 250 г ошқовоқ;
- 60 г сули ёрмаси;
- 130 г ун;
- 2 та тухум;
- 50 г шакар;
- ўсимлик ёғи;
- 1,5 г ванилин;
- 1,5 г қабартма туз;
- 5 дона ёнғоқ;
- шакар упаси.

Тайёрланиши:

Ун, сули ёрмаси, шакар, қабартма туз аралаштирилади. Бошқа идишда эса тухумни ванилин ва туз билан қориштириб, 200 г ошқовоқ қирғиchinинг майдада тишидан ўтказилади.

Олмани пўстидан тозалаб, ўртacha қилиб кесиб, қирғиҷдан чиқарилган ошқовоққа қўшилади. Бу аралашмага ўсимлик ёғи ва тухумни қўшиб, блендрда қориштирилади.

Қуруқ ва суюқ масаллиқлар аралаштирилади. Маффин қолипчаларини ўсимлик ёғида ёғлаб, хамир солинади.

Қолган қовоқни майдада тўғраб, маффинлар устига солиб чиқилади ва бир бўйлакдан ёнғоқ ўртасига қўйилади.

Маффинлар 200 даражада иссиқликда 30 дақиқа давомида пиширилади. Дастурхонга тортишдан олдин шакар упаси сепилади.

Ёқимли иштаҳа!

Дилафруз ЮСУПОВА